


Васият учдан биргадир

Image not found or type unknown



11:00 / 14.07.2020 2214

(иккинчи мақола)

هَوْتَوْمَ دَنْعُ هَلَنْ يَكُوْلُ مَمَّهَ تَسَقَتْ عَالُجَرَّ نَأُ: هَنْعُ هَلَلِ يَضَرَّ يَنْصُحُ نَبَنْ أَرْمَعُ نَع
أَثَلَتْ أُمَّهَ أَجَفْ مَلَسُو هَلَلِ يَلْصُقُ يَبْنَلْ أَمْهَبْ أَعَدَفْ، مُهَرِّيْ غَلَامُ هَلَنْ كَيْ مَلْ
وَبَأُو مَلْسُمُ هَاوَر. أَدِي دَشْ أَلْوَقُ هَلَلِ اقْو، عَ بَرَأُ قَرَأُو نِي نَثَلْ قَتْ عَ أَفْ مُهَنْ يَبْ عَرَقُ أَ مَثْ
مَلْعَ أَوْ يَلْعَ أَلَلْ أَوْ. يَنْسَلْ أَوْ دُوَادْ

Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан:

«Бир киши ўлими олдидан олтига қулини озод қилди. Унинг ўшалардан бошқа моли йўқ эди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни чиқариб, учга бўлдилар. Сўнгра ораларида қуръа ташладилар. Кейин иккисини озод қилиб, тўрттасини қул бўйича қолдирдилар ва у кишига қаттиқ гап айтдилар».

Муслим, Абу Довуд ва Насайй ривоят қилганлар. Аллоҳ олий ва билгувчи роқдир.

Шарҳ: Ўлим келганда банданинг кўзига бошқа ҳеч нарса кўринмай, охира ташвишини қилиб қолади.

Ушбу ривоятнинг қаҳрамони ҳам шундай қилган, олти қулдан иборат бор мулкни Аллоҳнинг йўлига атаб, уларни озод қилиб юборган.

Аслида қул озод қилиш жуда ҳам яхши иш. Лекин бу сафаргиси ўлим тўшагида ётган киши томонидан қилинганлиги учун Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ёқмаган. У зот мазкур олти қулни чақиртириб келганлар. Ўлим олдидан қилинган қул озод қилишни васият ўрнида кўриб, қулларни иккитадан, учга бўлганлар. Васиятнинг мол-мулкнинг учдан бирига ўтиши эътиборидан уч гуруҳдан қайси бирига қуръа тушса, озод бўлишини айтиб туриб, қуръа ташлаганлар. Қуръа тушган икки қулга «Озод бўлдингиз», деганлар. Қолган тўрттаси қул ҳолида меросхўрларга қоладиган бўлган. Шундай тариқа, васият молнинг учдан бирига ўтган.

Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган нотўғри иши учун ҳалиги кишини койиб, қаттиқ гап айтганлар.

Демак, вафотдан олдин молнинг ҳаммасини хайр-эҳсонга атаб, қилинган васиятга фақат молнинг учдан бир қисмида амал қилинади, холос.

Бу қоидага ҳеч ким хилоф қилган эмас. Агар меросхўрларнинг ҳаммаси рози бўлсагина, учдан бир қисмдан кўпида ҳам васиятга амал қилиш мумкин.

Агар меросхўрлардан баъзиси ўз улушидан воз кечмоқчи бўлса, фақатгина мерос тақсим қилинганидан кейингина воз кечиши мумкин. Тақсимдан олдин воз кечса, мерос бўлишнинг табиий ва адолатли ҳоли бузилган бўлади.

Ушбу ривоятдан баъзи бир қийин ҳолатларда қуръа ташлаш жоизлиги ҳам билинади.

(Тамом)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан